
МАРҒИЛОНДАГИ “UZWOOLENTEX” КОРХОНАСИДА ТУРКИЯЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ХАЛҚАРО PREMIUM СТАНДАРТЛАРИДАГИ МАТОЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Марғилондаги “Uzwoolentex” МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси раҳбари Наргиза Аминова ҳамда Туркиянинг Акуён Кумаş компанияси раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Марғилондаги “Uzwoolentex” корхонаси томонидан туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда режалаштириладиган ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос жун ва аралаш матолар ишлаб чиқариш ҳамда жун ва сунъий ип-калава ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Халқаро Premium стандартларида жун матолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳамда Туркия ва Европа бозорида ўз ўрнига эга Акуён Кумаş компанияси директори Сердар Улудениз ҳамда ишлаб чиқариш масъул раҳбари Мурат Оруч вилоятимизда мавжуд имкониятларни юқори баҳолаб, амалга ошириш кўзда тутиладиган лойиҳа натижасида ишлаб чиқариладиган матолар энг талабчан текстиль корхоналарига ҳам маъқул келишини ишонч билан қайд этдилар.

Янги лойиҳа икки босқичда амалга ошириш режалаштириладиган бўлиб, биринчи босқичда “Uzwoolentex” корхонасида мавжуд қувватлардан фойдаланган ҳолда, туркиялик мутахассисларни ҳам ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда Туркия бозори учун бугун жозибадор янги матолар коллекцияси яратиш, бу аснода корхона ходимларининг малакасини доимий ошириб боровчи курсларни йўлга қўйиш белгиланган.

Бу жараён билан бир вақтда “Uzwoolentex” корхонаси бўш майдонларида жун ва сунъий иплар ишлаб чиқариш линиясини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг натижасида корхонада жун ва аралаш матоларни ўз хом-ашёсидан ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Бу матоларга хорижий бозорлар билан бирга ички бозорда ҳам жуда катта талаб борлиги қайд этилди.

Белгиланган ишлар январь ойи якунига қадар бошланиши маълум қилинди.

Вилоят ҳоқими лойиҳани тез муддатларда амалга ошириш учун ҳар томонлама кўмак берилишини қайд этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-13 19:24:46